



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№10 (92) 5.03.2020 йил



## Қадамларинг кўтлуғ келсин, Баҳорой!

Март

Мана қалбларимизни қувончга, эзгуликларга гўлдириб фаслар келинчаги гўзал Баҳор кириб келди. Кўкларнинг кўки, мусаффо ҳавоси, майин-майин майсалари, анвойи чечакларнинг ифори дилларни яйратди. Яшариш, яшнатиш, яратувчанлик иштиёқи ҳамюртларимизнинг чехраларида, ёниқ нигоҳларида акс этмоқда. Зеро, қишнинг аёзлари, рутубатли кечалари орта чекинди, ҳорин вужудларга ҳаётбахш илиқлик инди.

Шундай фарахбахш паллада ҳаётимиз файзи, хонадонимиз фаишталари, нафосат ва латофат маликалари – гўзал аёлларимиз, мунис онахонларимиз байрами – 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлашни ҳам бежиз эмас. Ахир ҳар қандай

эзгуликнинг бошланиши ҳам шу табарруқ аёл – она номи билан боғлиқлиги бор гап. Келинг, уларни чин дилдан табриқлайлик: **“Байрамингиз кўтлуғ бўлсин, муҳтарам Аёллар!”**

Азиз ватандошим! Кундан-кунга чирой очиб, ўз хусн-таровати, улуғ бунёдкорлик ишлари, беқиёс юксалишлари билан олам аҳлининг диққат-эътиборини, ҳавасини тортаётган она юртимиз, гўзал Ўзбекистонимизнинг янада гурқираб, гуллаб-яшнашига биз ҳам ҳисса қўшайлик.

Аввало, она ер бағрини ўз меҳри, заҳматли меҳнатлари билан яшнатиб, ризку насибаимизни етиштирадиган, саховатига замин яратадиган бободехқонларимизга куч-қувват тилайлик, елкадош бўлайлик.

Ҳар бир эзгу ишга дахлдорлик туйғуси қалбларимизни хайрли, савоб ишларга ундасин.

Елкасида қуёшни, этагида Баҳорни олиб келаётган Наврўзимизни ғайрат-шижоатга тўла бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи, гўзал орзу-умидлар билан кутиб олайлик.

Давлатимиз раҳбарлигида олиб борилаётган бемисл бунёдкорлик ишлари юракларга жўшқинлик, қадамларимизга шаҳдамлик бағишласин.

Хосиятли “2020 – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”нинг Баҳори илм-маърифат, маданият, санъат, адабиётимиз ривожини, жамиятимиз тараққиётини, турмушимиз фаровонлигига пойдевор бўлсин!

Ушбу сонда

### Қаноат маликаси



4-саҳифада >>

Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева: **“Онамнинг армонлари ушалди...”**



5-саҳифада >>

Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти!

6-саҳифада >>

>> Очик суҳбат



## Ислоҳотлар – тараққиёт гарови

27 февраль кунини Маданият вазири Озодбек Назарбеков Ўзбекистон давлат консерваториясида вазирилик тизимидаги олий таълим муассасаларининг талаба ва ёш ижодкорлари билан учрашди.

Унда маданият ва санъат соҳасидаги муаммолар, олий таълим тизимида ёшларнинг етарлича билим ва кўникмалар эгаллашидаги сунъий тўсиқлар ҳақида очиқ гаплашилди. Талабалар мавжуд муаммоларни эркин айта олиши ва таклифларни очиқ-ойдин билдириши учун устозлар иштирокисиз мулоқот олиб боришга келишиб олинди.

Давоми 2-саҳифада >>

>> Театр ва ҳаёт

## Саҳнада

### Жалолиддин Мангуберди



Ўзбек миллий академик драма театрида халқимизнинг буюк ўтмишидан ҳикоя қилувчи яна бир тарихий асар намойиш этилди. Ёзувчи Назар Эшонқул қаламига мансуб “Жалолиддин Мангуберди” асарини ёш, иқтидорли режиссёрлардан бири Асқар Холмўминов саҳналаштирган. Қувонарлиқ, спектакль муаллифлари-ю, ижрочи актёрларнинг бир ёқадан бош чиқариб қилган фидокорона меҳнатлари ўз самарасини берди. Томошабинларнинг давомли қарсақлари, тик туриб олқишлашлари, бир томондан театр ижодкорларига бўлган самимий ҳурмат, эътиборни намоеён этган бўлса, иккинчи томондан санъатсевар халқимизнинг тарихий асарларга бўлган қизиқиши катта эканини кўрсатди.

Албатта бу ўринда отахон театримиз маҳоратли актёрларининг касбига бўлган садоқатини, фидойилигини алоҳида таъкидлаш керак. Хусусан, Жалолиддин Мангубердидек мард, жасур, босқинчиларга қарши баҳодирларча курашган, мўғуллар курагини ерга теккизган ягона лашкарбоши ва давлат раҳнамоси ролини бор қобилияти, лаёқати билан моҳирона ижро этган Лазиз Орзиев, Чингизхондек қонхўр, ваҳший босқинчи ролини бор бўйича гавдалантирилган Тоҳир Саидов, Авазхўжа Қодиров, шунингдек, Саидкомил Умаров, Беҳзод Муҳаммадқаримов, Саида Раметова, Зухра Ашурова, Талиб Мўминов ва бошқа кўпгина актёрларнинг, айниқса, кичкина артистларнинг чиқишлари томошабинлар меҳрини қозониб, улар юрагидан жой олгани шубҳасиз.

Давоми 3-саҳифада >>

Доналар сузлайди...



Аёл кишига, аввало, Она деб қараса, ҳаммаси жой-жойига тушади. (Ўткир Ҳошимов)

Агар аёллар бўлмаганида, биз – ҳаётимизнинг дастлабки соатларида ердандан, ўртасида ҳузур-ҳаловатдан, охирида эса овутирувчидан маҳрум бўлар эдик. (Н.Шамфор)

Аёл кишига энг ҳаққи кўп киши эрдир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши – онасидир. (Абу Лайс Самарқандий)



» Дўстона алоқалар

### Нуфузли меҳмонларнинг музейга таширифи



Ўзбекистон амалий санъати ва хунармандчилик тарихи давлат музейига Турк маданияти халқаро ташкилоти — ТУРКСОЙнинг бош котиби Дуйсен Касеинов ташириф буюрди.  
Нуфузли меҳмонни музей директори Исмаилов Юсупов кутиб олиб, музей фаолияти, ундаги дурдона экспонатлар билан яқиндан таништирди. Ташириф давомида музейнинг халқаро кўргазмаларини

ташкил этиш ва самарали ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.  
ТУРКСОЙ — туркийзабон давлатларни бирлаштирган халқаро ташкилот. Унинг асосий мақсади туркий халқларнинг умумий, моддий ва маданий ёдгорликларини сақлаш, келажак авлодларга етказиш учун туркий халқлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашдан иборат.



» Давоми. Боши 1-саҳифада

# Ислоҳотлар — тараққиёт гарови



— Бугун гапириш учун эмас, сизларни эшитишга келдим. Мақсадим ислоҳот, биласизлар, ислоҳот — бу муаммоларни ҳал этиш демак, шунинг учун очиқ гаплашамиз — деди О.Назарбеков. — Муаммоларни атрофлича, дўстона кўриб чиқсак, уларни юзага чиқариб, биргаликда ҳал этишга ҳаракат қилсак, мақсадимизга албатта эришамиз. Аммо вақтида ҳал қилмай, яшириб юрaversак, ривожланиш бўлмайди. Эҳтимол, орангизда бўлажак вазирлар, муовинлар, ректорлар ўтиргандинир. Агар ислоҳотларни бугундан бошласак биздан кейин келадиган раҳбарларга ҳам бошқарув осон кечади. Энг муҳими, маданиятимиз, санъатимиз оёғига кишиан бўлиб турган катта-катта муаммоларни юзага чиқариб, уларни ҳал эта олсак, мана шу буюк санъатимизнинг янада тараққиёти этишига, дунёга кенг ёйилишига хизмат қилган бўламиз. Шунинг учун сизлардан ислоҳотлар йўлида ташаббускор, жонкуяр бўлишингизни сўрайман, бу борада мен ҳам сизлар билан елкама-елка, биргаликда курашишга тайёрман.

Шундан сўнг талабалар ва тизимда фаолият юритаётган ёшлар мавжуд муаммолар, камчиликлар ҳамда тақлифлари билан ўртоқлашди.

Мулоқот чоғида талабалар томонидан олий таълим муассасаларида мусиқий асбобларнинг етарли эмаслиги, амалиёт ўташ жараёнида турли тўсиқларга дуч келишга биддирилди. Шу билан бирга устоз-шоғирд анъаналари ривожланмагани, айниқса, соҳада фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг айримларида муомала маданияти йўқлиги, номухтаassisлар раҳбарлар ўрнига санъатни тушунган мутахассислар кераклиги ва таълим жараёнида синф хоналарининг етишмовчилиги каби муаммолар ўртага ташланди.

— Мавжуд долзарб масалаларни еритишда оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларни ҳамкорликка чорлаганман, сиз ёшлар ҳам менга ёрдам беришингиз керак, — деди О.Назарбеков. — Айниқса, олий таълим тизимида уриб кетган коррупция балосининг олдини олиш, уни тас-томилри билан йўқотиш зарур. Маданият ва санъат соҳасида коррупциянинг мавжудлиги бу миллатга ҳам, келажакка ҳам хийнатдир. Мен унга қарши бор кучим билан курашаман, бироқ яқка ўзимнинг кучим етмайди, сизлар менга қанот бўлинг. Бу йилги кириш имтиҳонларида коррупцияга йўл қўйилмаслиги учун керак бўлса, хориздан мутахассислар жалб қиламан. Шунинг учун сизларни ҳам ҳамкорликка чақираман.

Учрашув давомида актёрлик соҳасида тахсил олаётган йигит-қизларнинг кинофильмларда суратга тушиб, ўз иқтидори, актёрлик маҳоратини намойиш этишига етарлича имконият берилмаётгани таъкидланди, моддий техник

база бўлса, ўзлари ижод қилиши мумкинлиги, бунинг учун тасвирга олишда зарур жиҳозлар кераклигини айтишганида Маданият вазири шундай жавоб берди:

— Киноиндустрияни илдиридан бошлаб ислоҳ қилиш зарур. Агар камера билан иш ҳал бўлганида эди, аллақачон ўзбек кино санъати ривожланарди. Бугун бизда тараққиётга эришган давлатларнинг кино сифати талаб қилинганда унинг ҳар яратилиши учун ажратилган маблағлар талаб даражасидан 10 — 100 баробар оз. Мен сизларнинг шашингизни қайтармоқчи эмасман. Шу ўринда бир янгилик айтмоқчиман, ҳозирда тарихий сериал устида иш олиб бораётиш. Аммо ўзимдан ўтганини ўзим билман. Ҳамма харажатларини, керак бўлса, эшикма-эшик юриб, маблағ топиб, мутахассисларни, чет эллик ҳамкорларни жалб этиб, жараёнларни бошлади. Шу сериалга сиз каби ёшларни албатта тақлиф қиламиз.

Очиқ мулоқот жараёнида Озодбек Назарбеков ёшларга ҳам эътирози борлигини яширмади.

— Устозлар билан гаплашсак, улар ёшларнинг феъл-атворидан норози, сизлар эса аксинча. Мен устозим этагидан тутган пайтимида унинг ҳар қандай талабига рози бўлаганман. У қилишини дилини оғритишни фожиа деб билганман. Бугунчи, кўп ёшларимиз устозим менга қачон эътибор қаратар экан, қачон мени юзага чиқарар экан, деган манфаат билан келади. Биз устозимиздан бир рор манфаат кутмаганимиз, дуосини олсак шунинг ўзи бахт деганмиз. Лекин нега бугуннинг ёшлари устозлар инжиқлигини кўтара олмаяпти? Мана ҳозир талаб қўйилсиз, эл ардоғидаги санъаткорлар Ёдгор Саъдиев, Баҳодир Йўлдошев, Эркин Комиловлар таълим беришини истаясиз. Улар оддий инсонлар эмас, ўз соҳасининг етуқ вакили, халқ меҳрини қозongan санъат даргалари. Ҳўш, сиз уларнинг феълни кўтара олишга тайёрмисиз?

Шунингдек, учрашувда мақом санъатини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, ўзбек миллий мусиқа санъатига доир дарслик ва қўлланмалар яратилиши янги босқичга кўтариш, олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини яхшилаш, шу билан бирга талабаларни амалиётга кенг жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Маданият вазири томонидан талаба-ёшлар вазирликка амалиёт ўташ учун тақлиф қилинди. Айниқса, вилоятлардан келиб таълим олаётган бўлажак соҳа мутахассисларининг юқори турувчи ташкилотда тажриба орттириши келгусида чекка ҳудудлардаги тизим ташкилотларини ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муаттархон Тўйчиева

» Уйғониш ва яшариш айёми



## Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!

Уйғониш ва яшариш фасли бўлган “Наврўз” айёмининг инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, ҳайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларимизни миллий қадриятларга хурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани, шунингдек, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан 3 март кунини Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси “Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!” шиори остида концерт ташкил қилинди. Унда вилоятимизнинг таниқли маданият ва санъат ходимлари ҳамда эстрада хонандалари иштирок этишди.

Шодиёнага тақлиф этилган кенг оммага ва шаҳримиз меҳмонларига ҳақиқий байрам ва баҳорий кайфиятлар улашилди.

» Спектаклдан сабоқ



## “Китобни жонлантирамиз”

27 февраль кунин Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида шаҳар умумтаълим мактаблари ва БМСМ ўқувчилари иштирокида “Китобни жонлантирамиз” лойиҳаси ўтказилди.

Тадбирга вилоят маданият бошқармаси мутасадди ходимлари, Ёзувчилар уюшмаси раиси Тошпўлат Тугалов, ижодкор, публицист Ойбек Норкуловлар ташириф буюриб, ёшларга ака-ука Гримлар қаламига мансуб, театрнинг бош режиссёри Шуҳрат Санақулов томонидан саҳналаштирилган “Бремен созандалари” (болалар мюзикли) спектакли намойиш этилди.

Спектаклда тўғрисиқлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар турли қаҳрамонлар талқинида очиб берилди. Қизиқарли воқеаларга бой саҳналар, куй ва қўшиқлар жамланган асарда жажжи болажонлар меҳнатсеварлик ва ҳалоллик доимо инсонни тўғри йўлга бошлашни англаб етишди.

» Байрам муборак!



## Нафис қалб соҳибалари

27 февраль кунин Жиззах вилоят кўзи оғизлар кутубхонасининг Фориш туман филиалида Маданият кутубхонаси ҳамда унинг фойдаланувчилари билан ҳамкорликда 1 март — Зулфияхоним таваллуди ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин байрами муносабати билан “Нафис қалб соҳибалари” номли тадбир ташкил этилди.

Уни кўзи оғизлар кутубхонаси мудири Дилбар Худойкулова очиб, ҳаммани байрам билан табриклади. Тадбирда Нилуфара Рустамова сеvimли адабият Зулфияхоним ҳаёти ва ижоди ҳақида гўзал фикрлар айтди. Кутубхона фойдаланувчиларидан Шаҳзода Ибрагимова, Баҳора Ибодуллоева, Муштарий Раҳмонова, Баҳора Бахтиёрова, Динора Аҳадуллоева, Исмигул Оқилова, Дилноза Раҳमतова шора ижодидан — онани ва баҳорини тараннум этувчи шеър ва қўшиқлардан ижро этишди. Шунингдек, иштирокчилар ўз қўллари билан қўғирчоқ, дўппи, гуллар, табрикномалар тайёрлаб, улар ҳақида маълумот беришди. Голиб деб топилган фаоллар кўзи оғизлар ҳамда маданият маркази кутубхонаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Кутубхонада яна Зулфияхоним асарларидан “Бахт ва шодлик куйчиси” ва 8 март халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб “Аёл борки — олам мунаввар” номли китоб кўргазмалари ташкил этилди. У.Ибрагимов, Жиззах вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси директори



Танлов

## Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқиш



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 сентябрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 26 февраль куни Бухоро вилоят кўзи оғирлар махсус кутубхонасида “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик-

танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларидан 11 нафар китобхон иштирок этди. Улар брайль шрифтида сифатли ёзиш, матнни тез ҳамда ифодали ўқиш шартлари бўйича беллашдилар.

1-ўрин Бухоро шаҳар 24-ИДТМ ўқувчиси Зарнигор Муҳиддиновага, 2-ўрин Қорақўл туманидан иштирок этган китобхон Хуснигул Ума-

ровага, 3-ўрин ЎЗКОЖ Олот тумани маҳаллий ташкилоти аъзоси Ўғилжон Бешимоваларга насиб этди. Улар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Фаол китобхон Зарнигор Муҳиддиновага Қашқадарё вилоятида ногирон китобхонлар ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этишига тавсия берилди.

Мумтоз мусиқамиз

Хукуматимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон 2019 йил 17 август куни юртимизга ташриф буюриб, икки давлат ўртасида турли соҳаларга оид ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган эди. Мазкур келишувлар доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев ҳамда Мирзо Турсунзода номидида Тожикистон давлат маданият ва санъат институти ректори Хайридин Идиев таълим соҳасидаги шартномаларга қўл қўйишди.

# Мақом — миллатни тарбиялайди



Миллат тарбиясида қадриятларни асраш билан бирга миллий мақом санъатининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки инсон руҳияти миллийлик ва қадим оҳанглардан куч олиб, юксалади. Мақом санъати эса ўзликни танишга ёрдам беради.

29 февраль куни “Туркистон” санъат саройида Тошкент вилоят “Мақом” ансамбли ўз ҳисобот концертини берди. Мазкур дастур “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тад-

бирлари тўғрисида”ги қарорда белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда вилоятда мақом санъатини янада ривожлантириш, тарғиб қилиш, аҳоли ва ёш авлод онгиде ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Вилоят маданият бошқармаси ҳамда “Мақом” ансамбли томонидан концертга пухта тайёргарлик кўрилгани унинг салкам уч соатга яқин давом этишига қарамай мухлислар талаби тўхтамаганидан англаш мумкин. Ўз навбатида ижрочи ва созандалар ҳам жонли ижрода бор маҳоратларини намойиш этишди.

Мақом санъати шу тарзда ўзининг аллаловчи, жозибадор, ғурурни уйғотувчи, миллий оҳанглари билан кўнгилларга қириб бораверади.

Давоми. Боши 1-саҳифада

## Саҳнада Жалололдин Мангуберди

Саҳна безаклари ва давр руҳига мос либосларни дид билан танлаган касб усталари меҳнатини ҳам эътироф этиш зарур. Шу жиҳатлар ҳам актёрлар ижросига таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатида, овозу талаффузларида гўё Аброр Хидоятлов, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Яйра Абдуллаевлардек устозларнинг истеъдод учқунлари қақнаб тургандек туюлади.

Спектакль давомида Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросидаги “Мендирман ўшал” кўшиги, ундаги лавҳалар бир-бир хаёлдан ўта бошлайди. Бейхатиёр саҳнадаги Жалололдин билан ўша клипдаги қаҳрамоннинг ниҳоятда ўхшашлигини ҳис этасиз. Яна асар воқеаларига мослаб танланган мусиқа садолари томошабинни ўзига сеҳрлаб қўйгандек бўлади. Қисқаси, ўз халқи, юрти озодлиги йўлида нафақат ўз жонини аямаган, балки жигарбандларини ҳам жасоратга ундаган, ўлимга тик боқишга ўргатган, ўз ақлу иродаси билан душманни лол қолдирган буюк саркарда ҳар қандай томошабин қалбида улуг ватанпарварлик, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга шукроналик туйғулларини кучайтириши шубҳасиз.



С.Эшматова

Илмий-амалий семинар

## “Шашмақом” ижрочилиги



26 февраль куни Бухоро шаҳрида Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳамда Бухоро вилояти намунали мақом ансамбли билан ҳамкорликда “Шашмақом ижрочилик масалалари” мавзусида ҳудудлараро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятлар “Мақом” ансамбллари раҳбарлари иштирок этишди.

Семинарни Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Сойибжон Бегматов очиб, “Шашмақом ижрочилик масалалари” ҳамда II Халқаро мақом анжуманига тайёргарлик ва бошқа мавзулар бўйича гапирди.

Шашмақом таркибидаги II ғуруҳ шўъбалари, “Савт”лар, “Мўғулича”ларнинг таҳлили ва ижровий хусусиятлари ҳақида Бухоро вилояти мақом устозлари Раҳматулло Иноятов, Толиб Темиров, Эшпўлат Ортиқов ва бошқалар фикр алмашдилар. Шунингдек, иштирокчилар учун Бухоро вилояти намунали мақом ансамбли томонидан маҳорат дарслари ўтказилди. Семинар сўнггида Бухоро вилояти туманларида ташкил этилган мақом ансамбллари ижралари ҳам тингланди.

27 февраль куни эса Сурхондарё вилояти намунали “Мақом” ансамбли Термиз туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабида аҳоли ва ёшларга мақом ҳамда унинг йўналишидаги куй-қўшиқларни ҳавола этишди.

Аждодларга эътибор

## Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлик музейи очилди



Ўзбек халқ шоири, дostonчи Эргаш Жуманбулбул ўғли 1868 йил Самарқанд вилояти Қўшрабoт тумани Қўрғон қишлоғида дунёга келган. Унинг шоир-дostonчи бўлиб етишишида оиласи ва қишлоғидаги бой адабий муҳит катта роль ўйнаган. Бу йўналишдаги таълимни отаси Жуманбулбулдан олган. Замон зайли билан у 1912 - 1922 йилларда Булунғур, Ғаллаорол, Ургут туманлари, Жиззах ва Панжакент атрофидаги қишлоқларда табиблик, қиссаохонлик, шеърхонлик қилиб юрган, дostonлар куйлаган. 1923 йилда қишлоғига қайтиб, 1937 йил апрель ойида вафот этган.

Жорий йилнинг 1 март куни Самарқанд вилояти Қўшрабoт тумани Қўрғон қишлоғида Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлик музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда республика ва вилоят масъуллари, қатор халқ бахшилари, сўз усталари ҳамда элимиз суйган санъаткорлар иштирок этди.

Бундай маданий муассасаларнинг чекка бир қишлоқда очилиши халқимиз маданиятини ошириш, қайфиятини кўтариш ҳамда аждодларимизга эътибор, элга ҳурмат, уларга бой маданиятимизни тортиқ этиш демакдир. Албатта, бу келажак авлодларнинг ватанга муҳаббатини ошириб, санъатга қизиқишини рағбатлантириб, улар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Бу музей Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди ва ҳаётини ўрганиш билан бир қаторда Қўшрабoт туманининг маҳаллий урф-одатлари, маданияти ҳамда ўлкашунослигига оид соҳаларни ўрганиш ва кенг оммага тарғиб қилишда муҳим ўрин тутди.



Концерт

“Баҳор нафаси”



Санъат дарғалари



Маннон Уйғурни хотирлаб



29 февраль куни Миллий академик драма театрида устоз санъаткор, театрининг асосчиларидан бири, биринчи ўзбек режиссёри, Ўзбекистон-халқ артисти Маннон Уйғурнинг ижодий фаолиятига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда фалсафа фанлари номзоди, театршунос олим Маъмуржон Умаров, санъатшунос олим, доцент Жўра Маҳмудов сўзга чиқиб, устознинг ижоддаги ўзига хос ўрни, инсоний фазилатлари ҳақида гапирди.

Томошабинларга Маннон Уйғур ижод намуналаридан иборат ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ижодкор репертуаридаги “Отелло”, “Алишер Навоий”, “Тамлет” каби шох асарлардан саҳна кўринишлари ижро қилинди. Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраев, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистон халқ ҳофиси Абдунаби Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эрқулова ижросидаги жозибали кўшиқлар кечага ўзгача шуқуқ бағишланди.



Театр арбоблари уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов бой тажрибасидан келиб чиқиб, устоз ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

Кечада Маннон Уйғурнинг оила аъзоларидан келини Саодат Асламова сўз олиб, тадбир ташкилотчилари ва ижодкорларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Дилрабо Умидова

Оила маданияти

Пискентнинг танилган илм масканларидан бири 4-умумтаълим мактабида мусиқа фанидан дарс бераётган Гулмирахон билан суҳбатлашиб қолсангиз, Президентимизнинг беш ташаббуси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

# Қаноат Маликаси

– Мусиқани болажонларга мурғаклигидан бошлаб ўргатиш, синдириш айна мудоао бўлди, – дейди у. – Ҳозирги кунда мусиқа дарси нафақат болалар, балки ота-оналар ҳам алоҳида эътибор берадиган, қизиқиб ўрганадиган фанга айланди. Бу беш ташаббуснинг нечоғлик тўғри қарор эканидан далолат. Илгарилари кўшиқ айтган, санъат йўлини танлаганларга, айниқса, қизларга бошқача назар билан қарашган. Ҳозир эса мусиқани кўнгил билан ўрганаётган, келажакда санъаткор бўлиш орузидаги қизларимиз талайгина. Уқитувчилик билан бирга туман маданият бўлимида фаолият олиб бораётганимга ҳам 27 йил бўлди. Шу давр мобайнида қанча-қанча қалби кўшиққа ошно ёшларни кўрдим. Уларнинг санъатга бўлган иштиёқидан завқланиб кетаман...

Мен ҳам болалигимдан онажонимнинг хаста дилига йўл топшига ҳаракат қилар, баъзан кўшиқ куйлаб берардим. Шундай кезларда юзлари ёришиб, дардини унутандек бўларди. Сизга айтсам, ота-онамнинг ҳаёти ўзи бир кўшиқ: эзулик, бағрикенглик, муҳаббат, садоқат, матонат бор бу кўшиқларда... Шунданми, бегубор болалик йилларим, гарчи уй-рўзгор ишларига кўпроқ вақт ажратилишига тўғри келса-да, куй-кўшиқ тинглашни, ўзимча хирзойи қилиб юришни ёқтирардим. Айниқса, мақом йўналишидаги муштаноз ашулаларни берилиб тинглаётган онажонимнинг маънос низоҳатидан чуқур ҳаяжонга тушар, “Қани эди мен ҳам кўшиқ куйлаб онамнинг дардини артсам, юзларида қувончи кўрсам” деб ўйлардим. Бахтимга отам ҳам ширтабиат, адабиёт ва санъатни севадиган ижодкор бўлгани учунми, санъат йўлини танладим. Отам рубоб чалар, биз эса кўшиқ айтиб, рақса тушардик. Онам кўлса, биз ҳам қувониб кетардик. Ҳозирги кунда устозларим Коммуна Исмоилова, Салоҳуддин Тўхтасиновлардан ўрганганим “Чаман ичра”, “Соқнома”, “Айлағчи” каби ашулаларни жонли ижро этганимда томошабинларнинг узоқ олқишларидан ҳаяжонланиб кетаман.

Дарҳақиқат, Гулмирахон туман маданият бўлимида бош маслаҳатчи, ҳар бир байрам тадбири, ё бадий кеча, учрашув бўлсин, асосий сценарийчи сифатида яқин ёрдамчидир. Бу, аввало, оила муҳити, қолаверса, маданият оқартув техникуми, кейинчалик Педагогика университетининг мусиқа факультетида ўқиш жараёнида олинган билим ва тажри-

мақсад ёш истеъодларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг катта саҳналарга чиқиш кўникмаларини ва шу билан бирга ижро маҳоратларини янада оширишдан иборатдир. Шу муносабат билан 25 февраль куни “Туркистон” санъат саройида Навоий вилоят филармониясининг “Баҳор на-

фаси” деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Унда вилоят бўлимсининг ижодий жамоалари ҳамда таниқли хонанда ва соҳнада дорлар концерт меҳмонлари сифатида иштирок этишди. Дастурда барча ижролар тингловчиларга жонли тарзда ҳавола этилди.



кечагига қараш осон эмас.

блар самарасидир. Пискентликларнинг қувончи кунларида ҳамиша бирга бўладиган Гулмиранинг обрў-эътиборидан Собиржон ака ҳам фахрланади...

Пискентлик ижодкор-журналистлар оиласи – Собиржон Иномов, Сайёра Йўлдошевларни нафақат туман, Тошкент вилояти, балки республикада ҳам яхши танишади... Уларнинг ҳаётга, ижодга, фарзандларига, қўйингки, ҳамюртларига бўлган меҳри турмуш машаққатларини енгиб ўтишда куч-қувват берган. Алҳол тақдир синовларига дош бериш бу кичкина жуссага осон бўлмагани аниқ.

...Сайёра опанинг ҳамиша, ҳатто дарди қийнатган пайтларда ҳам қулиб бокадиган кўзлари бүтун маънос, нимадандир безовта. Шу кунларда оила ташвишлари-ю, кундалик юмушлардан толиққан вужудини тик тутишга қийналаётган дилдоши, ҳамдарди Собиржон акасидан хавотирда: “Сочларининг оқи кўпайиб, елкалари ҳам қайрашиб қолгандек, назаримда, – ўйлади у. – Ахир нима ҳам қилсин? 36 йил бўптики, ҳамон дардимга даво излайди. Оёққа турғизиб юборсам дейди. Бу орада тўрт фарзанд тарбияси, уларни вояга етказиш, ўқитиш, уйлашу узатишининг ўзи бўлмади-ку! Э, Худоийим, шугинанинг жонини омон сақлазин, ахир минг битта жони бўлганда ҳам бу машаққатларга чидаган чидайди-да...”

Ҳокисор аёлни чорак асрдан буён тўшакка михлаб қўйган оғир дард яна забтига олди: “Яратган эгам, ўзинг берган сабр-тоқатини кўп кўрма. Туну кун қошу қабоғимга термулиб, дардимга даво излаб чарчамайдиган, оилами бутунлиги, фарзандларимиз камоли йўлига жонини нисор этган жон дўстим, умр йўлдошимга қулиб қоқишга, руҳини кўтаришга ўзинг имкон бер...”

Шу орада кундалик юмушларини бажариб бўлган Собиржон акаси

бўй кўрсатди. – Ҳа, келинчагим, яхши ўтирибсанми? Кўзларинг қулиб қопти, эътиборинг нафасини сездингми дейман?

– Опанинг мен учун ҳалиям янги тушган келиндек, – дейди Собиржон ака бизга юзланиб, – кўчадан кириб келганимда бир жылмайиб қўйсан бўлди-да, чарчогим ёзилди...

Дарҳақиқат, уй тўрида фариштадек, юздан нур ёғилиб ўтирган, суратию сийрати гўзал аёлнинг вужудини кемираётган оғриқларни сездирмай қулиб қарашларида бир илоҳий ҳикмат бордек... Балки, салкам қирқ йиллик дардини, яратганнинг синови деб қабул қилган, яхшиликка ишониб, бошқаларга ҳам яхшилик тилаб яшаётган буюқ қалб эгаларини тақдир шу йўсунда рағбатлантираётгандир?! Ҳар ҳолда яратганнинг мўъжизалари бисёр. Хар не қилса, бир хосияти бор.

– Тўртинчи фарзандимиз туғилганида мана шу оғир дардга чақилганман, – дейди у. – Болаемнамни ҳатто бешикка ҳам белламас эдим. Менинг аҳволимни кўриб, балки ичидан йўғлаётган бўлса-да, Собиржон акам қулиб: “Бешикка беллашни мендан ўрган” деб қаққонлик билан белаб, яна тўшакка келанида ечиб берарди. Шу йўлчибегим ҳозир акаси Иқромжон билан тадбиркорлик қилмоқда. Айтмоқчи бўлганим, оила боши қанчалик оқил-доно, тадбирли бўлса, унинг оиласи, фарзандларининг бахти шу экан...

Дарҳақиқат, Собиржон Иномовнинг инсонийлик фазилатлари ҳақида хали кўп ва хўп гапириб мумкин. Бу ҳақда оғзидан бол томиб сўзлайдиган мушфиқа аёл Сайёра Йўлдошевадан эшитиш нақадар мароқли. Ахир шундай оилапарвар инсонлар ҳозирги кунда жуда кам-ёблашиб кетмаётимми? Айниқса, 36 йилдан буён дардманд аёлнининг кўнглига, яна тўрт фарзанднинг иссиқ-совуғи, ейиш-ичишию кийим

– Собиржон акамни мен тақдир тухфаси дейман. У кишининг рағбати билан оғир хасталикка дош бериб яшаб келялман. Агар баъзиларга ўқшаб шу ноҳирон билан умрим ўтадими деб ташлаб кетганимда нима қилардим, дейман ўзимга ўзим. Менга ҳеч қачон қовоқ уйганлари ёки овоз кўтариб қойганларини эслолмайман. Доим “келинчагим” деб эркалайдилар. Хали уй-рўзгор, ҳали журналистдек масъулиятли касб машаққатлари, яна томорқада богдорчилик, деҳқончилик... Бу кишим кечалари ҳам тинчмайди, газетамга мақола, қатор-қатор китоб ёзганлари-чи? Мен эса бир иш қилолмай тўшакка михланиб қолган бўлсам... Лоқал, болаларга иссиқ нон ёпиб беролсам қани эди, дейман армон билан. Бир кунни қизим Гулмира 6-синфдаликда бираликда нон ёпмоқчи бўлди. Амаллаб ҳамир қилиб ошириб олди-гу ёпишга келганда қизимнинг бўйи тандирга етмай қолди. Шунда мени тағимдаги кўрпача билан бирга ташқарига судраб олиб чиқишгани, кейин тандир тағига яшиқ қўлиб амаллаб чўзилиб мен ясаб берган нонларни ёпиб олгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ушанда иссиқ нон исси бутун ҳовлимизни тўтиб, қизганим жуда қувонгани, мен эса бу ишни уйдалаган боламга боқиб йўғлаб юборганимни сира унутолмайман. Шу қизимнинг ортидан тўрт ёшида мактабга қатнаган Гулнора эса 14 ёшида ТошМизга ўқшаша кирган эди...

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, баъзи тўрт мучаси соғ, аммо арзимаган баҳоналар билан болаларини тирик етим қилаётган ношукр бандалар учун бу жуда катта ҳаёт сабоғидир. Уларга “Меҳнат шухрати” ордени ншондори, журналист-ёзувчи Собиржон Иномовнинг қатор ҳаётий қисса ва романларини ва сўнгги йилларда чоп этилган Сайёра Йўлдошеванинг “Бедор қалб тухфалари” китобини ўқишни тавсия қилган бўлардик...

Сайёра Рихсиева



Энг, энг, энг...

**“Беш ташаббус – беш имконият”**



20 февраль куни Каттақўрғон шаҳар драма театрида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, халқ таълими бўлими ҳамда 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамкорлигида бешта муҳим ташаббус доирасида “Мен энг яхши, энг жамоатчи, энг фаол ўқувчи бўла оламан” шиори остида тadbир бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактабларида ўзлаштириши паст, профилактик

назоратда турувчи ва ички назоратга олинган ўқувчилар ўртасида танловлар ташкил қилинди.

Натижаларга кўра ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва

бошқа таниқли шоир-ёзувчилар ҳам иштирок этишди. 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар ёшларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишини янада оширди. Улар тенгдошлари маҳоратини кўриб, ўзларининг ҳам ҳар томонлама намунали ўқувчи бўла олишлари мумкинлигини ҳис этишди.

Тахририятимиз меҳмони



Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева:

# “Онамнинг армонлари ушалди...”

Халқ қалбидан жой оладиган асарлар яратиш учун одам туғма иқтидорга эга бўлиши керак. Айниқса, миллий мусиқани авлодларга етказишда катта масъулият талаб этилади. Бунинг учун санъаткор элига, юртига, санъатига, устозларига садоқатли бўлмоғи лозим. Тахририятимизнинг бугунги меҳмони ана шундай инсонлардан. У мумтоз кўшиқчилигимизнинг кўзга кўринган вакили Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоевадир.

– Азалдан аёлларнинг санъат соҳасида ўз ўрнини топиши осон кечмаган. Сиз босиб ўтган йўл, ширин хотиралар, назаримда, муҳлисларингиз учун қизиқ...

– Ёдимда, раҳматли дадамга почта орқали газета ташлаб кетишса, ҳаммадан биринчи чилиб бориб олардим ва ундаги шеърларни, мақолаларни ўқиб, ўзимча, «Улғайганимда, албатта диктор бўламан», деб оруз қилардим... Ҳатто 5-синфда ўқиб юрган кезларимда ҳам қўлимдан китоб тушмасди. Оиламизда санъаткор қўшмаган бўлса-да, онам раҳматли кўшиқ куйлашни яхши кўрарди. Лекин уларнинг даврида санъаткор аёлларга нисбатан одамлар онгида ўзгача муносабат шаклланган эди. Волидам доим кичкинагина доирача олиб юрардилар. Қаерга борса, ҳатто ховлида ўттирсалар ҳам ёнида бўларди. Агар уйда қолдирадиган бўлса, деворга миҳ қоқиб, унга «қадрдон»ни иилиб кетарди. Ўша доира ҳозир ҳам бор. У биз учун жуда ҳам қадрли, чунки унга онамнинг кўллари теккан...

Энди ўйласам, ниманидир сезган экан-да, шеърларни овоз чиқариб, завқ билан ўқиганимни кўриб, ёнига чақирак, «Кани, Матлуба қизим, ёнимга ўтириб мана бу кўшиқни куйла-чи», деб кўшиқ ўргатарди. Ўзи ашула айтганда эса, эшитиб хайратланганман. «Овозингиз ёқимли экан, нега кўшиқчи бўлмагансиз?» деб болаларча савол берганимда онам кўзларига ёш олганлар ва: «Бу менинг армоним, қизим. Агар сен айтганини қилсанг, Худо хоҳласа, мента ўша кунларни кўриш насиб этади. Ўлмасам, сени албатта санъаткор қиламан!» деганлар. 1993 йил «Хизмат кўрсатган артист» унвонини олганимда онам оғир бетоб эди. Мени дуо қилар экан «Эн-

ди армоним йўқ, болам», деб кўйдилар. «Ундай деманг, онажон, сиз тузалиб кетасиз, албатта тузаласиз, тушкунликка тушманг» деганимда, ўзлари ўлим билан курашаётган бўлса ҳам, санъаткор табияти жўшиб, «Матлубажон, битта кўшиқ бор эди-да, халқ ашулаларидан. Шунини доира чертиб айтгардим, қўлингга ручка олиб ёзиб олгин. Кейин хотинлар ичидан айтсанг, қийкириб ўйинга тушишадим» деб гапирдилар. Аммо кўзларини очишга ҳам кучлари етмасди. Менинг санъат йўлидан кетишимга онам энг катта сабабчи бўлганлар. Кейинчалик олийгоҳда ўқиб юрган кезларим устозларимдан бири Турсунбой Туробов кўлларига рубоб олиб «Она» ҳақидаги кўшиқларини ўргатган. Учинчи босқичда ўқиб юрган кезларим «Макомчилик ансамблига» таклиф қилинган ва ҳозиргача шу ерда ўз фаолиятини давом эттиряпман.

Мен учун қувончли хотиралардан бири 1995 йил билан боғлиқ. Ўша йили Ўрта Осиё мамлакатлари мусиқасини Европага кенгроқ танитиш мақсадида Франциядан журналистлар, мусиқашунослар келган бўлиб, «Муқимий» театрида бизнинг миллий мақом ва классик кўшиқларимиз ижросини тинглашди. Ўзбекистон ва Тожикистон миллий кўшиқчилиқ санъати даргалари билан бирга бизга ўхшаган шоғирдилар овозини ҳам ёзиб олишди. Орадан бир йил ўтиб, бир кун ярим тунда телефонимиз жиринглади. Ўўшакни кўтарсам, Франциядан экан. Мени ЮНЕСКО тасдиқлаганини айтишди. Қувонганимдан ҳамганим уйғотиб юборганман...

– Сизнингча, бугунги ёш санъаткорларимизнинг миллийликка муносабати қандай?

– Ёшлар санъатини кузатар эканмиз,

улар Ҳарб мамлакатлари ёки Европа услубида ижод қилиб, миллий санъатимизни иккинчи даражага қўйишаётгандек назаримда. Очиғи уларга йўл кўрсатмай туриб танқид қилишимиз ҳам хато бўлади. Яъни танқиднинг ҳам танқиди бор. Устозларимиз бизга «мана бу ишинг нотўғри, бундай куйласанг, халқ дилида қоласан», деб ўргатишарди. Биз эса улар ўғитига амал қилдик. Жонли куйлаганимиз учунми, зиммамизга катта масъулият юклаганини ҳис этардик. Чунки тингловчиларимиз кўшиқ сўзида бирор хато кетса, дарров илғаб олишарди. Концертдан кейин ёки кўча-кўйда кўриб қолишса, «Матлубажон, кечирасиз-у, лекин мана шу кўшиқни куйлаётганда шал хато кетди», газалда бунақа эди, шунини тўғрига олишди. Аслида кийим иккинчи даражада бўлган. Шунинг учун ҳам ҳар саҳнага чиқишдан олдин газалларни синчковлик билан қайта-қайта ёдлаб, тақрорлар эдик. Қувонарлиси, бу жиҳат ҳозирда айрим ёшларимизга ўтган. Улар сўзда жуда да масъулиятли, катта-катта саҳналарда дид билан куйлашади, кўриб хурсанд бўламан.

Мен бу фикрларим билан эстрада керакисиз демоқчи эмасман. Фақат ушбу йўналишни ҳам миллийликдан узоқлашмаган ҳолда тарғиб этиш лозим. Бу борада асосий урғунни аёл хонандаларга бермоқчиман. Санъаткор миллатга тўғриликни ҳурмат қилиши шарт. Очиқ-соқиб либос билан чиққан аёл хонандалар концертга кирганда ноқулайликлар туғилапти. Аслида кийим иккинчи даражада бўлган. Қўйландиган кўшиқлар дид яраларини тугатиши, унча руҳий қувват бериши керак. Халқ санъаткор нимани тарғиб қилса, шунга ишо-

нади ва эргашади. Танилганларига эса тақдир қилади. Шундай экан, биз томошабин олдида ўзлитимизни унутмаган ҳолда чиқишимиз, кўшиқларимиз орқали миллийликка бўлган эътиборни кучайтиришимиз даркор. Мени яна шогирд қизларимизнинг мақом, газаллар куйлашда маслаҳатлар сўраши ҳам қувонтиради. Вилоятларда ҳам мақом ансамбллари очилаётгани миллий мусиқамиз ривожига жуда катта ҳисса қўиши шубҳасиз.

– Янги ва енгил “ҳазм қилинувчи” жанрларнинг кириб келиши ва омаллаштири туфайли ёш аудитория мақом кўшиқларидан узоқлашиб борапти. Бунга қарши чора кўриш учун, эҳтимол, миллий куй-кўшиқлар тарғиботини янада кучайтиришимиз керакдир?

– Бу тўғрисида матбуот, радио ва телевидениеда кўп марта чиқишлар қилганмиз. Ўйлайманки, бугунги ёшларимиз мақом ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмас. Мақом санъати 6 та «Сараҳбор» дан иборат ва уларнинг ўз аудиторияси бор. Юқори қатлам вакиллари мақомни кўпроқ эшитди. Чунки ундаги кўшиқлар катта асарлар ҳисобланади ва кунт талаб этади. Яна бир сабаб, бизнинг давримизда, уяли телефон, интернет қабуллар йўқ эди. Ҳамма жонли кўшиқ эшитарди ва шу билан чекланарди. Ҳозир эса кўпчилик дангасалик қилипти. Хоҳлаган куйини интернет орқали оқлаб олади. Аммо ўзбек мусиқаси дурдоналарини ҳам эшитадиганлар бор. Улар мақомни болалигидан тинглаган ва бугунги кунда ҳам ашаддий муҳлиси ҳисобланади. Кимлариндир «Эски кўшиқларни айтманглар, эски кўшиқларни эшитманглар», деб нотўғри тарғиб қилишларини ҳам кузата-



миз. Шунда қаттиқ жаҳлим чиқди. Хорижда, бошқа санъаткорлар билан бирга мақом санъатини тарғиб этишга борганимизда газеталарда биз тўғримишда «Фестивал фаришталари» деб ёзишарди. Улар аёлларимизнинг кийинишини кўрибқў ҳайратда қолишарди. Шундай саҳналардан бирида Туроб Тўла шеър, Дони Зокиров мусиқаси билан яратилган «Кўчалар» кўшигини қўйлаганимда томошабинлар, гарчи сўзларини тушунмасда, кўзларига ёш олишган. Интервью пайтида бу ҳақида сўраганимда, «Кўшиқ шу даражада чиرويли ёзилганки, романсга ўхшайди» дейишганди...

Бир кун телефонда чет эл мусиқасини тинглаб ўтирган жажжи неварамни ёнимга чақирдим-да, унга бир «кўшиқ ўргатаймиз» дедим ва шу ашулани куйлаб бердим. Кўшиққа сеҳрланиб қолган неварам яна айтиб беришимни сўради, мен яна куйладим. Шундан кейин, унинг вақти-вақти билан «Кўчаларни» хиргойи қилиб юрганига гувоҳ бўлдим. Демак, оиладаги мухит ҳам болаларнинг келажакига, ривожига, яъни нимани маънавий «истеъмол қилиши» та боғлиқ экан. Биргина мен ёки яна бир санъат вакили қилган тарғибот билан катта ўзгариш бўлмайди. Ота-оналар ҳам, олийгоҳ, мактаблардаги устозлар ҳам миллий мусиқамизни ёшлар онгига синдиришда жонбозлик кўрсатиш керак.

– «Эл дилида қолсам» деган нияти бор ёш санъаткорларга айтадиганларингиз...

– Санъаткор бўлиш учун, аввало, Аллоҳ томонидан нимадир берилиши керак. Мақом дегани, яъни мумтоз санъат ўзбек кўшиқчилигининг тарихи, катта чинори ҳисобланади. 45 йилдан бери ижод қилаётган бўлсам, аминманки, мақом кўшиқларининг ҳаммаси инсонни илоҳийликка бошлайдиган, руҳий тарбиялаб борадиган асарлардир. Миллий мусиқамиз улкан сандиққа ўхшайди. Устозлар унча дуру жавоҳирларга тўлдирган ва бизга ўлмас хазина сифатида қолдирган. Ҳозирги ёш санъаткорларимиз миллий кўшиқчилигимиз илдинини ўрганиб, негизини тушуниб, билимини бойитса, улар ижодига ҳам шундай хислатлар сингари, элнинг ёшу кендаси севиб эшитилади. Садоқат билан ишлаб, фидоийлик билан меҳнат қилган санъаткор халқ қалбига қолади.

Оламгир АБДУЕВ



» Устозлардан руҳ олиб...

**Куйга сингган туйғулар**

20 февраль куни Бекобод шахар 11-БМСМда беш муҳим ташаббус талабларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича бастакорлар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирга Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари Муҳаммаджон Отажонов, Хуршида Хасанова, Нигора Холхўжаевалар таширф буюришди. Учрашувда мактабнинг Фортепиано бўлими, Эстрада ва академик хонандалик ҳамда хор синфи ўқувчи

ва ўқитувчилари қатнашишди. Ўзбекистон давлат консерваторияси доцентлари Хуршида Хасанова ва Муҳаммаджон Отажоновлар ўз ижод намуналари ва янги ёзилган асарларини тингловчилар эътиборига ҳавола этишди. Эстрада ва академик хонандалик синфи ўқувчилари Хуршида Хасанованинг "Кўшиқлар сеҳри" китобидан "Қалдирғоч", "Ватаноним", "Шаршара", "Ширин қизчаман" номли

кўшиқларини куйлашди. Шунингдек, ўқувчилар композиторлар билан дилдан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Болажонлар чиқишидан руҳланган Хуршида Хасанова ҳар бир асарининг яратилиш жараёни билан ўртоқлашди. Муҳаммаджон Отажонов ўзи яратган "Изҳор", "Чимган", "Орол", "Этюд" асарларини ўқувчиларга таништириб, китобларидан совғалар улашди.



» Кўрик-танлов



**"Мактаб театр"лари**

25 февраль куни Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театрида умумтаълим мактабларида ташкил этилган "Мактаб театр"ларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда Термиз шаҳридаги 4-11-12- ҳамда тумандаги 23-умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган театрлар тўғрарак иштирокчилари қатнашишди. Уларга театрнинг олий тоифали артистлари Зебинисо Каримова, Матлуба Турдиева, Малоҳат Жумаева, Валишер Раҳмонов, Ахрор Қодировлар раҳбарлик қилиб, жорий йил репертуаридаги спектакллари ўқувчилар ижросида сахналаштиришди.

Ёшлар томонидан намойиш этилган спектакллар барчага бирдек манзур бўлиб, томошабинлар қалбини ҳаяжонга солди. Ҳақамлар хайъати томонидан кўрик-танлов Низоми асосида 4-умумтаълим мактабининг "Баджаҳл куёнча", 11-мактабининг "Ўткир шоҳли буқача", 12-мактабининг "Зумрад ва Қиммат", 23-мактабининг "Танбалнинг тузалиши" спектакллари баҳоланди. Айниқса, жусаси кичкина ёш актёрларнинг бўйлари пардага етмаса-да, бор маҳорати, жон-жаҳди билан ўзига берилган "Зумрад", "Бўри", "Қуён", "Буқача" образларини "аъло" даражада ижро этишга ҳаракат қилаётгани, бегубор юзлари-га "соқол" ёпиштириб олган Бобо, бошига "рўмол" ўраган ўғай она, кийимлари ўзига ярашган "Чаққоной-Думбоғой"ларнинг ижролари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.



Кўрик-танловнинг муסיқий танаффус вақтида театр қошида ташкил этилган олий тоифали театр артисти Малоҳат Жумаева раҳбарлигидаги "Ёш раққосалар" ижодий клуби аъзолари томонидан жозибдор миллий рақслар ижро этилди.

Танловда 1-ўринни Термиз туманидаги 23-умумтаълим мактаби қўлга киритди. 2-ўринга эса 12-, 3-ўринга 4- ва 11-умумтаълим мактаблари муносиб кўрилди.

"Мактаб театрлари"нинг иккинчи кўрик-танлови 2020 йил октябр ойида ўтказилиши режалаштирилди.

**Зарифа Маматова,**  
Театрнинг бадиий сахналаштириш қисми мудири

» Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот масаласидир

**«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти!»**



«Туринг, сизни буюк ишлар кутяпти!» Дуё тарихида ёрқин из қолдирган шахслардан бири Наполеон Банопартнинг энагаси ҳар тонгда буюк саркардани шундай уйғотар экан. Бу сўзларни эшитиб кўз очган гўдакнинг келажакда қандай инсон бўлганига тарих гувоҳ. Ҳақиқатан ҳам, болаликдан руҳий куч олиб улғайган инсон ўз эртасига ишонч билан қарайди ва шундай шахс бўлиб етишишга ҳаракат қилади. Қалбида энгилмас кучни ҳис этар экан, улуг ишлар қилиш мақсадга айланади, чунки бу руҳият болаликдан шаклланган бўлади.

Яна бир буюк инсонлардан бирининг ҳаёти ҳам ибратли. Ёш Томаснинг мактабидан онасига мактуб келади. Унда ўлининг бефаҳм, тентак экани ёзилган эди. Волида бундай эмслигини исботлашга ҳаракат қилади ва фарзандини буюк кашфиётчи олим қилиб вояга етказди. Бугунги кунда хонадонларимизни ёритиб турган лампочкани ҳам ўша "бефаҳм" бола, яъни Томас Эдисон ихтиро қилган. Кашфиётчи ўз хотираларида шундай деб ёзади: **"Эдисон чиндан тентак ва қалтафаҳм бола эди. Аммо ақлли ва меҳрибон онаси туфайли даҳога айланди"**. Юқорида келтирилган мисоллар боланинг келажакда муҳим шахс бўлиб етишишида тарих исботлаган одилона тарбиялаш усулларидир.

Жаҳоннинг кўпгина давлатларида учрайдиган ҳолат – ота-она фарзандига ҳеч қандай моддий ёрдам бермайди. Бу ҳам тарбиянинг бир кўриниши. Оқибатда, шундай муҳит сабаб мустақил инсон шаклланади. Бунда ота-она боласига моддий ёрдамдан ҳам муҳим нарсани – ишончини беради, хатоларига кўз юмади ва яна бир бор ҳаракат қилиб кўриши учун имконият яратади. Ўзига бўлган ишонч катта куч эканига, у билан қандай ишлар қилиш мумкинлигини кўрсатишади ва ўргатишади. Натигада бола кучли курулға, синмас иродага эга бўлиб улғаяди.

Биз ўз урф-одатига эга миллатмиз. Болага қандай тарбия бериш ҳам ота-боболаримиз, момоларимиздан мерос бўлиб келаятган



Олимлардан бири Герберт Спенсер бу ҳақда шундай дейди: **"Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказиши"**.

қадрият ҳисобланади. Бунга оналаримиз томонидан айтиладиган алла, комил инсон руҳи йўғрилган эртақлар мисолдир. Уларни тинглаб улғайган гўдак аждодлар меҳрини туяди, муносиб бўлишга ҳаракат қилади, баркамолликка интилади. Бу бизнинг бола тарбиясида азалдан тутиб келаятган йўлимиздир.

Ўзбек оилаларида кузатамизки, ота-она фарзандига барча шароитларни яратиб беришга а тиретилади. Болаликдан турли ўйинчоқлар, улғайганда янги кийим, кўшимча таълим учун алоҳида пулли муҳит, ўқиши учун контракт тўлови, кейин уни уйлантириш ва керак бўлса уй ҳам олиб бериш. Бу ҳам, афсуски, биз учун мерос қадриятга айланади. Лекин шунча шароитларни яратган ота-она фарзандига энг керакли нарсани бермайди ва бермаётти. Бу ҳам бўлса, ўзига бўлган ишонч ҳисси. Оқибатда ўрта ёшни қоралаган, уч-тўрт боланинг отаси ҳали ҳам мустақил иш қилишга қодир эмас. Ачинарли ҳолат, тўғрими? Фарзанд ота-онанинг айтганларини қилиши, улар тутган ҳаёт йўлини босиб ўтиши кераклиги ҳақидаги тушунча бизда азалдан мавжуд. Лекин ҳозирги кунда бу янада кучайган, натижада ёши катта бўлса ҳам, ўзини боладек ҳис қилиш туйғуси йўқолмаётти. Фарзанд тарбиясини "маҳкам" улашга уринган ота-оналар келажакда унинг кимгадир фикрий қарам бўлиб қолишини, афсуски, англашмаётти. Болаликдан хато қилиб қўйишдан қўрққан бола улғайганда ҳам чўчиб ашайди. Бировнинг фикрига, хулосасига ва кўрсатган йўриғига қараб кун кечиради.

Фарзандни фақат вояга етказиш, парвартириш, кийинтириш билан у шахс сифатида шаклланиб қолмайди. Ота-она олдида турган энг катта бурч бор. Бу боласининг эртанги кунда жамият ичига кириб, ўз ўрнини топиши учун қилган саъй-ҳаракати, аввало, тўғри берилган тарбияси ҳисобланади. Лекин орамизда ўғил ва қизини бошқалар олдида камситиш, уни ерга уриш, руҳий эзаш каби ҳолатлар кўп учрайди. Бу эса салбий таъсирни янада кучайтиради. **"Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегаман ҳолда олиб борилиши лозим"**, дея таъкидлайди Фаробий. Унинг айтишича, болага насихат бериш "яккама-якка суҳбатда" олиб борилиши керак.

Жамиятда мустаҳкам ўринга эга бўлиш, ўзини бегонадек тутмаслик, келажакда ўзидан муносиб давомчи қолдириш учун ҳам мустақил, энг муҳими, фикрига эга шахс сифатида етишиш даркор. Шундай экан, ота-оналар фарзандларига ишонини, хато қилган тақдирда ҳам унга яна бир бор имкон бериши лозим. Буни давр ҳам тақозо этмоқда. Зеро, фикрий қарам шахс ота-онасидан кейин ҳам ташқи таъсирларга суяниб қолади. Қадам ташлашга чўчийди ва ўз гоёсини ҳимоя қилолмайди. Хато қилиб одамлар орасида шарманда бўлишдан қўрқади. Янгиликка интилмайдиган ва оқим билан сузади. Демак, инсон ўз феъл-атворида, ишончига эга бўлиши лозим. Шундангина у қоқилмайди. Йўлини топади ва хато қилишдан чўчимади. Бундай шахсни вояга етказишда ота-онанинг роли муҳимдир.

**Оламтир**



Мукофот

## “Маънавий-маърифий ишлар аълочиси”

Маданият, маърифат ва маънавий асрлар давомида инсон тафаккури ривожининг тимсоли, давлат ва жамиятнинг ажралмас бир бўғини бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам юртбошимиз томонидан бу соҳаларга эътибор кучайтирилиб, мамлакатимиз равнақида уларнинг барча йўналишлар билан чамбарчас боғлиқ экани кўп бора таъкидланмоқда. Ана шундай ишлар натижаси ўлароқ Навоий вилоят маданият бошқармаси бошлиғи

Нодиржон Ниязов Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2020 йил 13 январдаги буйруғига кўра “Маънавий-маърифий ишлар аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотланди. Камтарона меҳнатларнинг бундай юқори баҳоланиши маданият соҳасига бўлган юксак эътибордан далолатдир.



Чанг

Музыка асрлар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб, унинг фаолияти, турмуши, ҳис-туйғуси, кечинмалари ва орзу умидларини акс эттириб келган. Шундай музика асбобларидан бири “Чанг” чолғусидир. Унинг яратилиши узоқ тарихга эга.


# “Созлар келинчаги”



Айтишларича, Халифа Хорун ар-Рашид даврида музика санъати таъкидланиб, кимки қандайдир соз чалса, қўшиқ айтса, қатл этилар экан. Бир кун у аёллари билан қабристонга зияратга борибди. Четрокдаги қабрдан музика садолари эшитилаётган эмиш. Халифа музика чалаётган инс-жинсини, одамми олиб чиқиб, тафтиш қилишни буюрибди. Ўлар дарров айбдорни халифа қошига етказишди. Кўрсак, бир қария. Элга сабоқ бўлсан деб, жиноятчини омма олдида жазолашга фармон берибди ва ундан сўрабди: “Нега фармонни била туриб музика чалдинг?” Шунда қария: “Уэр халифа ҳазратлари, мен Аллоҳга харчанд иборат қилсамда, кўнглим тўлмади, таскин тополмадим. Шу боис музика орқали Аллоҳга ҳамду санолар етказётган эдим” – деган жавобни берибди. Бундан таъсирланган халифа, машшоққа сизини келтиришларини айтиб, у ҳақиқатан Аллоҳ учун чалганим ёки баҳона қиялтими, билишни истабди. Қарасаки, соз гўртбурчак тахтадан иборат бўлиб, устига қатор симлар тортилган эмиш. Машшоқ уни тизасига қўйиб, музикасини бошлабди. Симларни чертганда шундай ёқимли куй таралибдики, эшитётганлар жим бўлиб қолишди. Қария қаердалигини ҳам унутиб, кўзида шашқор ёш билан музикасига қувват бағишлабди. Халифа тинловчилар қатори бектиёр тебрана бошлабди. Атрофдагилар музика авж пардаларига чиққанида ўзларини тугиб туролмай “Ох” деб юборишди. Халифа қарияга музикадан айтганингдай Аллоҳ учун экан, созингнинг номи нима? – деб савол берибди. Ҳали уни номламадим, – дебди қария, – лекин менинг исмиМ Чангий!

Халифа бир оз сукут сақлаб, сен бутундан эътиборан созандалар пири Чангий, созинг номи “чанг” бўлсин. Созандалар мактабини очасан, соз фақат Аллоҳ учун чалинсин, – дебди. Шундан сўнг сиз чалиш, қўшиқ айтиш равнақ топган экан.

Ёзма манбаларга кўра, XV – XVII асрлардан бошлаб “Чанг” сизи, музика ҳаётимизда маълум ўрин эгаллай бошлаган. Унгача эса “чанг” ибораси ўзбек-тожик музика маданиятида бутунлай ўзига хос, тирнаб чалинадиган замонавий европача арфанинг бизда кенг ишлатиладиган қадимий кичик ҳажмдаги намунасини англатади. Жумладан, Алишер Навоийнинг буюқ асари “Хамса” сиздаги “Сабъ-ан сайёр” достонидagi “чанг” ибораси ҳам арфа тусидаги чолғу сўзини, аникроғи, кўл арфасини англатиб, унинг моҳир ижрочилари сифатида Дилором каби аёл образлари тасвирланган ҳам бежиз эмас. Ўша даврларга хос арфасимон чанг деярли хотин-қизларга хос чолғулардан бири сифатида, ҳатто, эраимдан олдинги асрлардаёқ ишлатилган. Аммо XVII асрлардан кейин у ижрочиликдан чиқа бошлаган ва ўрнини махсус таёқчалар билан



уриб чалинадиган трапеция шаклидаги чанг чолғу асоси эгаллади. Ўша пайтларда яшаб, ижод қилган Дарвеш Али Чангий ўз рисоласида музика назарияси ҳақидагина эмас, балки турли давр ижрочилари ва сарой қошида кенг тарқалган музика созларидан: танбур, чанг, най ва қонун қабиларга ҳам тўхталиб ўтади. У созларни бир-бирига таққослаб, чангини “созлар келинчаги” деб атайди. Дарвеш Али ибн Мирзо Али Хўжа Маҳмуднинг чангчиси – Мавлоно Зайнулдин Румий эди.

Дарвеш Алининг таъкидлашича, у жуда кўп пешрав ва куйлар ижод қилган. Улардан энг кўзга кўринарлиси 3 та пешрав эди:

**Биринчиси:** Эҳсон. Хусайний мақоми пардаларини ўз ичига олади.

**Иккинчиси:** Сохил. Ироқ мақоми пардаларини асосида ижод қилинган.

**Учинчиси:** Пешрави-уфур. Хусайний мақоми хоналаридан таркиб топган.

Яна Дарвеш Али Чангий қадимда бу асбобнинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: чанг қадимий соз бўлиб, Месопотамиядан то Хитойгача бўлган жуда катта ҳудудда ишлатилган. Абдуллоҳнинг замондоши Хўжаи Калон (Буюқ Хўжа, Шайх Хўжа Саъд) огир дардга чалинади. Табиб Султон Мухаммад уни даволаб, дардин енгитишда чанг оҳанини эшитишни тавсия этади. Хўжа Саъд дарвеш Алини ҳузурига чорлайди. Хўжа бутунлай тузалиб кетади. Қадимги буюқ Нушираво заминидида (551-579) машҳур Пири Чангчи яшаган. Эрон араблар қўлига ўтади, ундан кейин халифа Умар Эрон музикасини таъкиб қилади. Пири Чангчи ўзининг ҳеч кимга кераги йўқлигидан хафа бўлиб, Мадинага Ясраб қабрини зиярат қилгани боради. У ўз ёнига чангини қўйиб, нола билан: “Мен доимо сен учун чалдим, энди мени таъкиб остига олишгани боис сенинг олдинга сўнгги бор чалиш учун келдим. Бир нарсан сендан сўрайман, ипак торларимгагина ҳақ беринг”, дея йўғлаб, қаттиқ оҳ уради ва ўзининг охирги машқини ижро этади. Сўнгра чангини бошига қўйиб ухлаб қолади. Шу вақт халифа Умарга ғойибдан овоз келади: “Бизнинг бир дўстимиз бор, у Ясраб қабри ёнида. Ул кимсга хазинадан 700 динар олиб бориб бер. Зорикса, яна ташриф буюрсин”. Умар 700 динар олиб, Ясраб қабрига боради. У ерда Пири Чан-

гийдан бошқа кимса йўқ эди. Ҳайрон бўлиб турса, Чангий уйғониб қолади. Умар унга 700 динарни беради ва айтади: “Аллоҳ сени ўзига дўст деб билибди, мен ҳам сенинг дўстинман. Бошинга мушкул иш тушса, қошимга келгин, сенинг саз чертишинг Эгамни ўзига ром этди” – дейди.

Чанг сизи Қадимги ва Ўрта аср шарқ маданиятида (Оссурия, Миср, Шимолий Хиндистон, Эрон, Марказий Осиё) кенг қўлланилган. Ҳозирги кунга келиб бу чолғу асбобнинг такомиллашган турлари мавжуд: бурчакли ёки ёксимон шаклда бўлиб, 13 та ва ундан ортиқ торлар ўрнатилиб, торли – урма асбоблар деб номланган. Бунга такомиллаштирилган таомилдаги чанг ва унинг негизда яратилган пиккало чанг, прима чанг, тенор чанг, бас чанг қиради. Кўпроқ прима ва тенор чангга куй ижро этилади. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида тахминан XVII асргача қўлланилган. Ўрта асрларда Нокус Чангий, Мавлоно Мирук Чангий Бухорий, Хожа бобо Чангий, Хофиз чангий, Дарवेशали чангий ва бошқалар танланган. Жарандор темир, кенг динамик ва техник имкониятлари туйғайли турли ансамбль, халқ чолғулари оркестри таркибиди ҳамда якканавоз чолғу сифатида кенг тарқалган. Чангдан ўзбек, тожик, уйғур ва рус халқлари ҳам кенг фойдаландилар. Руслар уни “Цимбал” деб аташади. У тут, ёнқоқ, дуб ва бошқа ёғочлардан ясалади. Чангнинг қулоқлари 76 та бўлиб, корпусининг ўнг томонида ўрнатилади ва пардалари хроматик ярим пардалардан иборат. Чанг турли миллият музикаларини, ҳатто Фарбий Европа классик композицияларининг йирик ва мураккаб асарларини ижро этиш имкониятига эга. Унинг диапозони жуда кенг бўлиб, уч қатлавага яқин. Чангчи қалишда ишлатиладиган чўл гаровдан ишланган бўлиб, юмшоқ овоз бериш учун учига резинка ўрнатилади. Ҳозирги кунда чанг ансамбль ва оркестрларда энг асосий бошловчи ролини ўйнайди. У яккахонликда ҳам машҳур бўлиб, чангга юқори техникавий асарлар ҳам ижро этилади.

Чанг созининг моҳир ижрочилари бўлмиш марҳум устозлар ҳаётини ўрганиш, улар ижро этган куйларни тинглаш, умуман изланиш, қидириш, бўлғуси чангчиларимизга катта фойда келтиради. Жумладан: Фахриддин Соидов, Матюсуф Харратов, Фозил Харратов, Пулатжон Рахимов, Тилаш Хўжабердиев, Санъат Рўзमतов, Қайомжон Аъзамовларнинг порлоқ хотиралари қалбларда абдий сақланади. Ҳозирги кунда халқимизга Аҳмад Одилов, Рустам Нейматов, Фазилат Шуқурова, Абдурахмон Холтоқиев, Бахтиёр Алиев, Туйғун Отабоев, Темур Маҳмудов, Абдусалом Муталов, Тоҳир Собировлар чанг ижрочилиги бўйича хизмат қилиб келмоқда.

Дилфуза Валиева,  
Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Кўргазма

## Исириқдон ва унинг тарихига назар



Биз таърифини келтирмоқчи бўлган исириқдон Термиз археология музейининг “Шимолий Тохаристоннинг илк Ўрта асрлар даври маданияти” номли кўргазма залига қўйилган. У 1965 йилда археолог Л.И.Альбаум томонидан ҳозирги Сурхондарё вилояти Ангор тумани Болаликтепа ёдгорлигидан топилган. Исириқдон лойдан ишланган ва кулолчилик чархида яхши пиширилган. Конуссимон шаклдаги қисми таглик (подставка) ўртасига қиялашиб кетган, туби йўқ ҳолатдадир. Пастки қисмининг диаметри 17,5 см, юқорида қараб кетган танаси 5 см гача торайиб боради. Куйдиришга қадар унга очик ликопча ўрнатилган. Алоҳида шакл берилгани



ликопча синган жойида аниқ ва яхши кўринган. Иккала қисми ҳам бир-бирига жуда яхши бириккан. Идиш танаси кулолчилик чархида ясалган, қўшимча равишда ўткир асбоб билан қайта тарашилган. Тана деворлари қалинлиги 1,5 см.дан 1,8 см.гачадир. Пастки қанотлари ташки ва ички томондан кесилган. Таглигининг ташки пастки қисми 9 та горизонтал чизиклар билан нақшланган. Улар бир-бирдан тарновчалар орқали ажратилган, чизикларда ҳам ўз навбатида бироз эгилган бодомсимон нақшлар қатор ҳолда ишланган.

Улар тамға ёрдамида бажарилган ўйик доиралар билан галма-гал келади. Тагликнинг уч томонида бир хил масофада 3 та ярим овалсимон ўйик дарчапар мавжуд. Пастки горизонтал қисмининг эни 5,5-6 см, баландлиги 6,5-7 см, пастки томоннинг ўртасидаги ҳар бир дарчаси ярим овал – эни 1 см, узунлиги 1,5 см бўлган тешиклар бор. Дарча ўртасининг бир томонида илоҳий аёл бошини тасвирловчи шакл берилган. Тана ва ликопчанинг бирлашган қисми 4 қатор ярим доирасимон горизонтал боғичлар билан безатилган. Юқори қисмида узоқ вақт кўлда тутиб турилгани аломатлари бор. Шу боис боғичлар унча сезилмайди. Ликопча-исиріқдон ярим шарсимон ҳолда оғиз қисмининг ташки томонида тўғри бурчак остида эгилган. Ликопча танасида 4 томонлама 2,5 см оралиқ масофада, оғиз қисми пасткида узунлиги 3 см бўлган конуссимон бўртиқлар бор. Баландлиги 7 см, юқори қисми диаметри 16 см, исириқдон баландлиги 32 см. Унинг қалинлиги баъзи жойларда 0,5 см.га ҳам етади. Қасмоқда бошоқли ўсимлик уруғлари қолдиги кузатилади.

Ҳозирча биз исириқдон ва унинг тарихига қисқача тўхталиб, аждодлардан қолган моддий ва маънавий меросни ўрганиш, асраш ва келажак авлодга етказиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Интизор Зоирова,  
Термиз археология музейи ходими



Турк дунёси маданияти пойтахти


**Март ойида ҳаммани Хивага таклиф этамиз**



“Хива – 2020 йилда Турк дунёси маданияти пойтахти” йили муносабати билан ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик хамкорликда 30-31 март кунлари Хива шаҳрида ўтказиладиган тадбирларга барчани таклиф этади.

Тантананинг очилиш маросими Хива шаҳридаги “Ичан-қалъа” музей-қўриқхонаси ва Нуриллобой саройи мажмуасида нишонланиши режалаштирилган.

Тадбирда ЮНЕСКО, АЙСЕКО, МДХ, ШХТ каби халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, илмий-тадқиқот марказлари раҳбарларининг иштироки эгиши кутилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва хорижий санъаткорлар томонидан катта концерт дастури намойиш этилади. Бундан ташқари, меҳмонлар фольклор, халқ ижодиёти намуналари, миллий хунармачилигимиз ҳамда миллий таомларимиздан баҳраманд бўлишди.



2020 – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

## Республика музейларида электрон каталоглар



3 март куни Маданият вазириликда “2020 – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” муносабати билан Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан мамлакатнинг тўртта музейи: Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон давлат амалий санъат музейи, Ойбек уй-музеи ва И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейида синов тарихида электрон каталог тизими жорий этилгани бўйича тақдимот бўлиб ўтди.

Жамғарманинг стратегик ривожланиш ва дастурларни амалга ошириш бошқармаси бошлиги Элмурод Нажимов ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш бўлими бошлиги Шаҳноза Ишматовалар мазкур тизим ҳақида атрафлича маълумот тақдим этишди.



Ўзбекистон Республикаси Миллий музей фондининг электрон каталог тизимини жорий этиш Museum Plus дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади. У 1998 йил Берн шаҳрида ташкил топган Швейцариянинг “Zetcom” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Компания Берлин, Париж ва Барселона шаҳарларида ўз филиалларига эга, шунингдек, “Zetcom”нинг Сингапур ва Афинада ҳамкорлик идоралари ҳам бор. Museum Plus платформасидан дунёнинг машҳур Лувр музейи, Нью-Йорк шаҳри музейи, Шимоллий-гарбий маданият ва санъат музейлари ҳам фойдаланади. Музей ва Жамғарма ходимларига мазкур дастурдан фойдаланишни ўргатиш учун “Zetcom” компанияси мутахассислари томонидан тренинглари ўтказилди. Машгулотлар давомида тингловчиларга Museum Plus платформаси билан ишлаш ўргатилди, шунингдек, унинг нозик томонлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Айни пайтда юқорида тилга олинган музейлар ходимлари Museum Plus тизимига йигирма мингга яқин экспонатлар тўғрисида маълумотларни жойлашди. Бу кўрсаткич секин-аста ортиб боради.

Иккинчи босқичда ташқи виртуал галерея, яъни музейлар каталоглари жойлашган сайтни яратиш режалаштирилган. Мазкур сайт барча интернет фойдаланувчилари учун очик бўлиб, унда экспонатларни юқори сифатда томоша қилиш, шунингдек, ҳар бир музейнинг асосий экспозициясидаги экспонатларнинг таърифи ва тарихи билан танишиш имкони бўлади.

Муаттархон Тўйчиева

Маданий-маърифий тадбир



## Беш ташаббус оиладан бошланади...

22 февраль куни Булоқбоши туман Ширмонбулоқ қишлоғидаги 25-умумтаълим мактабида “Беш ташаббус отаналар билан бирга...” шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унга тумандаги барча умумтаълим мактабларининг директор ўринбосарлари, ёшлар етакчилари ҳамда ота-оналар таклиф қилинди. Тадбир режасига кўра, ўқув даргоҳининг кириш қисмида мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан бешта ташаббусни тарғиб этувчи ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, туман маданият бўлими бадий раҳбари М.Хидиров, бош режиссёр О.Йўлдошевлар ташаббуси билан мусиқий дастурлар намойиши

бўлиб ўтди. Кечани мактаб директори З.Хайитбоев очиб, ўтказилаётган тадбирнинг мазмун-моҳияти, уни нафақат ўқувчилар, балки ҳудуддаги уюшмаган ёшлар ва ота-оналар ўртасида ҳам тарғиб этиб, ҳамкорликда ишлаш зарурлиги хусусида гапирди.

Кечанинг бадий қисмида мактабнинг бошланғич синф болалари беш ташаббустга бағишланган шеърлари ва кўргазмали чиқишлари, 6-синф ўқувчилари миллий рақслари, ўқув даргоҳида ташкил этилган мусиқа тўғрисида аъзолари “Ўзбекистон” ашуласи ҳамда Ғ.Ғулломнинг “Шум бол” асаридан саҳналаштирилган парчани намойиш этишди. Юқори

синф ўқувчилари “Андижон полкаси” рақси ва спорт йўналиши бўйича чиқишларини, Зулфияxonим таваллуҳи куни муносабати билан адабий-бадий ижод ҳамда “Беш ташаббус...” номли жамоавий кўшигини томошабинларга тақдим этишди.

Тадбир якунида туман ХТБ дан таъриф буюрган Умида Юсупова ўтказилган кеча ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида катта аҳамият касб этишини таъкидлаб, барча ташкилотчиларга ва фаолларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Мухаммадбўр Хидиров,  
Туман маданият бўлими  
бадий раҳбари

Маданий алоқалар



26-27 февраль кунлари Минск шаҳрида МДХ га аъзо давлатларнинг маданий мерос виртуал музейларини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатларидан вакиллар иштирок этишди.

Экспертлар мамлакатлар ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантириш ғоясини эътироф этиш билан бирга Ўзбекистон вакиллари томони-

## МДХ га аъзо давлатлар виртуал музейлар тарафдори

дан билдирилган ягона Интернет-ресурсини яратиш ташаббусини қўллаб-қувватлашди ҳамда Виртуал музейлар концепцияси лойиҳасини юқори баҳолашди. Мазкур лойиҳа Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад – МДХ давлатларининг моддий ва номоддий маданий меросларини намойиш этишда Интернетда ягона виртуал музей остида бирлашишдир.

Йиғилганлар “МДХга аъзо давлатлар маданий меросининг виртуал музейи” Интернет-портали бўлимларини кенгайтиришни мақсадга мувофиқ деб топишди. Ўзбекистон вакиллари эса музейни яратиш ва маълумлик вази-фаларини ўз зиммасига олишга тайёр эканини билдиришди. Учрашув даво-

мида экспертлар томонидан ресурслар бошқариш формати, виртуал музейлар фондини яратиш тамойиллари, интернет-ресурсининг тузилиши ва дизайни, унинг техник талабларини ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Ўзро мулоқотда айтилишича, порталга таъриф буюрувчилар учун маълумот тақдим этишининг асосий шакли виртуал тур ҳисобланиб, у анимацион объектлар, овоз ва мультимедиа воситаларини ўз ичига олади. Шунингдек, маданий мерос объектлари тасвири, экспонатлар ва кўргазмаларни визуаллаштиришда виртуал панорамалар, яъни 3D, айланма ва 360 даражали фото панорамалардан фойдаланилади.

Ишчи гуруҳнинг галдаги учрашуви май ойида ўтказилиши белгилаб олинди.

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, «Dildosh media» МЧЖ

**Бош муҳаррир**  
Дилбаҳор Худойбердиева  
**Таҳририят манзили:**  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтаининг пайшанба куни чоп этилади.

**Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.**

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

**Нашр учун масъул:** Ш.Исроилова  
**Навбатчи муҳаррир:** С.Рихсиева  
**Навбатчи:** Н. Содиков  
**Адади - 8733 Буюртма - Ғ - 3271**  
Сотувда келишилган нархда Қозғоғ бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

**Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.**  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 22.00  
Топширилди - 22.00  
1 2 3 4 5 6